

ХУДУДИЙ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ” АЖ

“СИРДАРЁ ХУДУДИЙ ЭЛЕКТР
ТАРМОҚЛАРИ КОРХОНАСИ”

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ



УЛГУРЖИ ИСТЕЪМОЛЧИЛАР УЧУН
ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ

Ш А Р Т Н О М А С И

№ Диндор шаҳар
давлат архиви
№ 020080

ЮРИДИК ВА ЮРИДИК МАҚОМГА ЭГА БЎЛМАГАН ТАДБИРКОР
ИСТЕЪМОЛЧИЛАР УЧУН ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ
ШАРТНОМАСИ

20 11 йил 5 сентябр 2008 сон Янгиер ш
(Ш)ЭТК номи

Сурдарё ХЭТК АЖ

асосида фаолият юритувчи

Янгиер ШЭТК (туман/шаҳар) электр таъминоти корхонасининг номи

рахбари А. Жааборов (кейинги Уринларда (туман/шаҳар) электр тармоқлари корхонасининг раҳбарининг Ф.И.О.)

“Корхона” деб аталади) бир томондан ҳамда иншоми асосида фаолият

юритувчи Янгиер шаҳар давлат архиви (истеъмолчи раҳбарининг номи)

рахбари А. Мамабаев Б (кейинги ўринларда “Истеъмолчи” деб аталади, (истеъмолчи раҳбарининг Ф.И.О.)

ҳисоб рақами -

--	--	--	--	--	--	--	--	--	--

 иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар:

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

Ушбу электр таъминоти шартномасига (кейинги Уринларда - **Шартнома** деб аталади) мувофиқ, Корхона Истеъмолчига электр энергиясини

уланган тармоқ орқали етказиб бериш ва Истеъмолчи истеъмол қилинган энергия учун ўз вақтида ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

II. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ЭНЕРГИЯНИ ҲИСОБГА ОЛИШ

2.1. Энергия истеъмолчининг йиллик шартномавий ҳажми:

Актив 6000 кВт.с. реактив _____ кВт.с

2.2. Етказиб бериладиган энергиянинг Шартнома тузилган қунидаги умумий нархи 450,0 сўмни, тариф буйича 2999900 ташкил этади.
тариф нури: табақалаштирилган, бир ставкали ёки аҳолига таъминлаштирилган, (кераклиси ёзилсин)

2.3. Истеъмолчига етказиб бериладиган энергиянинг ойлар кесимидаги йиллик ҳажми ушбу Шартномага 1-иловада келтирилган.

2.4. Истеъмолчи томонидан олинган энергиянинг ҳақ тўланадиган ҳақиқий миқдори ушбу Шартномага 2-иловада назарда тутилган ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичлари асосида аниқланади.

2.5. Истеъмолчиларнинг (майший истеъмолчилардан ташқари) электр энергиясини ҳисобга олиш асбоблари, шунингдек электр энергиясини ҳисобга олишнинг бошқа воситалари истеъмолчининг маблағлари ҳисобига сотиб олинади, давлат қиёсловидан ўтказилади, ҳудудий электр тармоқлари корхоналари томонидан Бюро билан ҳамкорликда бепул ўрнатилади, пломбланади ва руйхатдан ўтказилади.

III. ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. Энергия учун ҳисоб-китоблар табақалаштирилган бир ставкали ёки аҳолига тенглаштирилган тарифлар асосида амалга оширилади.

3.2. Уланган қуввати 750 кВА ва ундан ортиқ бўлган Истеъмолчи (бюджет ташкилотлари, сув таъминоти ташкилотлари, фермер хўжаликлари ва сув истеъмолчилари уюшмаларининг насос станциялари, шунингдек Давлат бюджетидан молиялаштириладиган насос станциялари бундан мустасно) электр энергияси учун ҳисоб-китобларни сутка вақтларининг табақалаштирилган тариф буйича амалга оширади.

Истеъмол қилинган энергия учун табақалаштирилган тариф буйича ҳисоб-китоблар:

ярим тигиз пайт – сутканинг ёруғ вақтида (соат 9⁰⁰ дан 17⁰⁰ гача) – белгиланган тариф буйича,

тигиз пайт – энг катта юкламали соатларда (ягона электр энергетика тизимининг энг катта юкламали соатлари: эрталабки энг катта миқдор соат 6⁰⁰ дан 9⁰⁰ гача, кечки энг катта миқдор соат 17⁰⁰ дан 22⁰⁰ гача) белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар миқдорда усувчи коэффицентни қўллаш оркали;

тунги пайт – сутканинг коронги вақтида (энг кам юкламали соатларида: 22⁰⁰ дан 24⁰⁰ гача ва 00⁰⁰ дан 6⁰⁰ гача) – белгиланган тарифга нисбатан 1.5 баравар камаювчи коэффицентни қўллаш оркали амалга оширилади.

Белгиланган тариф II-тариф гуруҳи бир ставкали истеъмолчиларга қўлланиладиган тарифга туғри келади.

Табакалаштирилган тариф қўлланилмайдиган Истеъмолчига нисбатан энергия учун ҳисоб-китобларда бир ставкали тариф қўлланилади.

Уланган куввати 750 кВА гача бўлган, электр энергиясини реализация қилишда нархни шакллантиришнинг алоҳида тартиби белгиланадиган ташкилотлар рўйхатига киритилган маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва айрим хизматлар кўрсатувчи Истеъмолчилар учун тўловлар Ҳукумат қарори билан белгиланадиган тарифлар буйича амалга оширилади.

3.3. Бир неча тариф гуруҳларига мансуб истеъмолчи билан ҳисоб-китоблар, ҳар бир тариф гуруҳига алоҳида ўрнатилган ҳисобга олиш асбоблари кўрсаткичлари буйича амалга оширилади

Истеъмолчи томонидан алоҳида ҳисобга олиш приборлари ўрнатиш рад қилинган тақдирда, электр энергияси учун тўловлар фойдаланилаётган энг юқори тариф гуруҳи буйича ҳисоб китоб қилинади.

Ушбу Шартнома буйича Истеъмолчи ва Корхона орасидаги ҳисоб-китоб даври бир ой ҳисобланади.

3.4. Истеъмолчи ҳисоб-китоб даври тугагандан сўнг Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг (кейинги ўринларда “Бюро” деб аталади) ваколатли вакили билан биргаликда ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичларини ҳар ойда ёзиб олади ва ушбу Шартноманин 5-иловасига мувофиқ шаклда энергия сарфи буйича ҳисобот тузади.

Истеъмолчи Корхонага энергиянинг сарфланиши тўғрисидаги ҳисоботни ўз кўли билан, факсимил, электрон ёки почта алоқаси оркали ҳар ойнинг “20-25” санасигача ҳудудий электр тармоқлари корхонасига тақдим этади.

Бунда, уланган куввати 750 кВА ва ундан юқори бўлган тўловларни табакалаштирилган тарифда амалга оширадиган Истеъмолчилар буйича энергия сарфи буйича ҳисоботда ишлатилган электр энергия (актив ва реактив) тўлиқ ҳажмидан ташқари тигиз, ярим тигиз ва тунги пайтларда фойдаланилган энергия ҳажмлари алоҳида ҳам кўрсатилиши шарт.

3.5. Электр энергияси учун амалдаги тарифлар ўзгарган тақдирда, ҳудудий электр тармоқлари корхонаси уларнинг кучга киришидан камида 15 кун олдин қарорни оммавий ахборот воситаларида эълон қилади.

Бунда электр энергияси учун тарифлар ўзгарган санадан катий назар, электр таъминоти шартномаси ўз кучида қолади ва истеъмолчи фойдаланилган электр энергияси учун янги тариф кучга кирган кундан бошлаб ҳақ тўлашга мажбурдир

Тариф ўзгарган тақдирда, истеъмолчилар электр энергияси (шу жумладан актив ва реактив энергия)нинг аванс тариқасида тўланган ҳажми учун тўлов кундан бошлаб кейинги бир ойдан ортиқ бўлмаган муддатда қўшимча тўлов тўлашдан озод этилади.

Арифметик ҳатоликлар, тариқларни нотўғри қўллаш тўғрисида пайдо бўладиган кам ва ортиқча тўловлар тегишли тариф бўйича кВт/соатларда қайта ҳисоблаб чиқилади ва ҳудудий электр тармоқлари корхонаси томонидан даъво муддати доирасида курсаткичлардаги тафовут ёки қўшимчалар билан биргаликда ҳисобга олинади”.

3.6. Истеъмолчига энергияни етказиб бериш келгузи ҳисоб-китоб даври бошланишидан олдин энергиянинг шартномавий миқдори қиймати учун олдиндан юз фоизлик (100%) ҳақ тўлаш асосида амалга оширилади. Бунда, ҳисоб-китобни 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида амалга ошириш хоҳишини билдирган истеъмолчилар ҳисоб-китоб амалга оширилмаган даврни кўрсатиб, ҳисоб-китоб даври бошланишидан камиди 5 кун олдин билдирги тартибда Бюрога мурожаат қилганлари тақдирда 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида етказиб берилишига йўл қўйилади. Олдиндан ҳақ тўланмаган ҳамда 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаётган истеъмолчилар томонидан ойнинг охиригача якуний ҳисоб-китоб амалга оширилмаган ҳолларда мазкур истеъмолчига нисбатан электр тармоқларидан тўлиқ узишгача бўлган чоралар қўрилади.

3.7. Корхона истеъмолчининг энергия сарфи тўғрисидаги ҳисоботи асосида белгиланган тартибда ҳисоб-китобни амалга оширади ва беш кун ичида тўлов амалга ошириш учун ҳисоб-фактура ва тўлов ҳисоб-варағини тақдим этади.

Истеъмолчи турли тариф гуруҳларига тегишли бўлган бир нечта объектга эга бўлса, ҳар бир тариф гуруҳи учун тариф кўрсатилган ҳолда умумий ҳисоб-фактура тақдим этилади.

Корхона томонидан махсус дастурий маҳсулот орқали ҳисоб-фактура ва тўлов ҳисоб-варағини шакллантирилади ҳамда сотиб олувчи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган ҳолда электрон рақамли имзо билан тасдиқлаиб, оператор орқали роуминг операторига юборилади.

(АСОС: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 25.06.2019 йилдаги 522-сонли “Ўзро ҳисоб-китоблар тизимида электрон шаклдаги ҳисобварақ-фактуралардан фойдаланишни тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори)

3.8. Ҳисобга олиш прибори ушбу Шартномага 3-иловага мувофиқ, электр тармоқларининг мансублик баланси бўйича фарқлаш далолатномаси ва томонларнинг эксплуатация жавобгарлиги асосида аниқланадиган электр тармоғининг мансублик баланси чегарасида ўрнатилмаганда, чегарадан ҳисобга олиш прибори ўрнатилган жойгача бўлган участкада энергиянинг технологик сарфланиш ҳажми Истеъмолчи билан биргаликда ҳисоблаш йули орқали аниқланади ва ушбу шартномага 4-иловага мувофиқ далолатномада кўрсатилади.

Бунда, 750 кВА ва ундан юқори қувватга уланган, табақалаштирилган тарифда тўловларни амалга оширадиган Истеъмолчи учун энергиянинг технологик сарфланиш ҳажми сутканинг тигиз, ярим тигиз ва тунги пайтлари учун алоҳида аниқлаиб, мутаносиб равишда жами олинган электр ҳажмининг тегишли пайтларига тўлов ҳақини ёзиш учун қўшиб борилади. *(6-иловаларни реактив қувватга эга ва технологик бронзи истеъмолчилар тўғрисида)*

3.9. Электр энергияси ягона электр энергетика тизимидан транзит бўйича истеъмолчининг электр тармоғи орқали ҳудудий электр тармоқлари корхонасининг электр тармоғига узатилганда, истеъмолчи тармоқларидаги электр энергияси технологик сарфининг бир қисми, истеъмолчининг электр тармоғига келиб тушган электр энергиясининг умумий

миқдорига нисбатан ҳудудий электр тармоқлари корхонасининг электр тармоғига истеъмолчи томонидан узатилган электр энергияси миқдорига мутаносиб равишда, ягона электр энергетика тизимининг электр тармоқларидаги технологик сарфларга ўтказилади.

3.10. Истеъмолчи энергиянинг сарфланиши тўғрисидаги ҳисоботни Шартномада кўрсатилган муддатда тақдим этмаган тақдирда, Корхона энергия истеъмолининг шартномада кайд этилган миқдори бўйича ёки ўтган давр учун ҳақиқатдан истеъмол қилинган электр энергияси тўғрисидаги маълумотлар асосида тўлов ҳисоб-варағини ёзда ва Истеъмолчининг шахсий ҳисоб рақамида бу ҳақида тегишли белги қўйилади.

Бюро ҳисоблаш приборидан кўрсаткичларни назорат тартибда ёзиб олгандан кейин, Корхона амалда истеъмол қилинган электр энергияси учун қайта ҳисоб-китобни белгиланган тартибда амалга оширилади.

3.11. Бюро истеъмолчилар билан биргаликда истеъмол қилинган электр энергиясининг амалдаги миқдорини аниқлаш учун улардаги электр энергиясини ҳисобга олиш асбоблари (машиий истеъмолчилардан ташқари) кўрсаткичларини ҳар ойда ёзиб олиши ва зарур бўлганда электр энергиясини ҳисобга олиш асбобларини улаш схемасини текшириб кўриши керак. Истеъмолчи томонидан электр энергияси сарфи тўғрисида ҳудудий электр тармоқлари корхонаси ва Бюрога белгиланган шакл бўйича ўз қўли билан факсимил-электрон ёки почта алоқаси орқали тақдим этилган ҳисобот юридик шахслар ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахслар учун истеъмол қилинган электр энергиясининг амалдаги ҳажмини аниқлаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

ЭХНАТнинг жорий этилиши муносабати билан истеъмолчиларнинг ҳисобга олиш асбобларидаги кўрсаткичлар автоматлаштирилган тизимнинг техник параметрлариغا мувофиқ, бироқ бир ойда қаида бир марта ёки истеъмолчининг буюртмаси бўйича ёзиб олинади.

Ҳудудий электр тармоқлари корхоналари истеъмолчиларнинг шахсий ҳисоб-рақам ва ҳисобга олиш асбобларининг ҳолати ҳақида батафсил маълумотлар доимий асосда шакллантирилиши ва идоралараро электрон ҳамкорлик қилиш тизимига реал вақт режимида юборилишини таъминлайди.

3.12. Шартномада ҳисоб-китоб даври учун кўрсатилган энергия миқдордан 5 фоиздан ортиқ миқдорда энергия истеъмол қилганда, Истеъмолчидан Шартномада кўрсатилган миқдордан ортиқ истеъмол қилинган энергияси жаъми ҳажми учун белгиланган тарифнинг 1,15 баравари миқдорда тўлов ундирилади.

Истеъмолчининг энергия ҳақини тўлаш, реактив энергия компенсацияси тарифга устамалар, шунингдек ҳисобга олинмаган энергияни, (ноконуний фойдаланилган электр энергияси) қайта ҳисоб-китоби ва пеня бўйича қарзи бўлган тақдирда, унинг аванс тўлови ҳисобига ўтказилган маблағлари қарзни қоплашга йўналтирилади ва аванс тўлови (олдндан ҳақ тўлаш) сифатида ҳисобга олинмайди.

Истеъмолчи томонидан Шартномада кўрсатилган электр энергияси ҳажмини тўлик истеъмол қилмаган тақдирда, аванс тариқасида тўланган маблағлар қайтариб берилмайди ва электр энергия учун кейинги ҳисоб-китобларда ҳисобга олинади.

Ҳисоб-китоб ойдан кейинги календар ой тугагач қарздорлик тўлов муддати ўтган деб ҳисобланади ва тўлов муддати ўтган ҳар бир кун учун истеъмолчига тўлов муддати ўтган сумманинг 0,1 фоиз миқдорда, электр энергияси махсус тартибда етказиб бериладиган корхоналар учун эса 0,2 фоиз миқдорда пеня ҳисоблаб ёзилади. Бунда пенянинг умумий миқдори, муддати ўтган тўловнинг 50 фоизидан ошмаслиги лозим. (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги 511-сонли қарорига асосан)

эгаллаб турган биносидан уни бериш, сотиш, ижарага расмийлаштириш ёки бошка сабабларга кура кучиб кетган тақдирда, бу ҳақда электр таъминоти корхонасини ёзма равишда хабардор қилиш;

ЭЭХНАТ (АИСКУЭ) тизимини барқарор доимий ишлаб туришини таъминлаш;
энергетика тизимининг «Электрохисоб» компьютер дастурига истеъмолчининг бириктирилган телефон рақамига (боғланиш нуктасига) «СМС» орқали юборилган хабарнома, огоҳлантириш хатларига уз вақтида муносабатларини билдириш ва зарур ҳолда дарҳол энерготаъминот корхонасига аниқлик киритиш мақсадида маълум қилиш;

энергетика тизимининг «Электрохисоб» компьютер дастурига истеъмолчининг бириктирилган телефон рақами (боғланиш нуктаси)га шунингдек бошка бирон реқвизитлари узгарган ҳолда ҳолда истеъмолчи дарҳол электр таъминоти корхонасига хабар бериши;

Бюро ва «Ўзэнергоинспекция» қонуний курсатмаларини уз вақтида бажариш;

Электр қурилмаларининг тузилиши қондалари талабларини бажариш;

Бюро ва ёки Корхона вақилининг ҳисобга олиш приборларини қўздан кечиршига белгиланган тарғибда руҳсат бериш;

Йил мобайнида янғидан ишга тушириладиган электр қурилмаларидан фойдаланиш бошланишидан қамнда бир ой олдин энергиянинг зарур миқдори учун Корхонага бюуртманома бериш;

келгуси йил учун энергияга бўлган эҳтиёжни аниқлашда энергияни электр тармоқларидан узатишда, ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг (ишлар турларининг) технологик жараёни ишлаб чиқариш эҳтиёжларига, ишлаб чиқариш бинолари ва маъмурий биноларни ёритиш, иситиш, шамоллатиш учун электр энергия сарфини, шунингдек, ушбу электр тармоқларига уланган субистеъмолчиларнинг эҳтиёжини ҳисобга олиш.

Шунингдек, 5 МВт ва ундан юқори бўлган қувватга уланган Истеъмолчи, Корхона талабига асосан аниқлаш ва хабар беришга мажбур:

истеъмол қилинаётган қувватнинг ҳар суткалик, ҳар ойлик сарфи ва амалдаги миқдори, энергетика тизимининг энг қўп ва энг кам юқламали даврларида реактив энергия ва қувватнинг ҳар суткалик сарфи.

энергетика тизимининг энг қўп юқламасининг ўтиш даврида актив энергия (қувват)нинг ҳар 30 дақиқадаги сарфини.

Истеъмолчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошка мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Уланган қуввати 250 кВа ва ундан ортиқ бўлган истеъмолчилар мазкур Қондаларнинг 127-бандида кўрсатилган мажбуриятлар билан биргаликда қуйидагиларга мажбур:

маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш (ишларни амалга ошириш) учун электр энергияси сарфининг техник ва иқтисодий жиҳатдан асосланган илғор нормаларини ишлаб чиқиш — умумий ишлаб чиқариш ва технологик; яқка тартибдаги ва гуруҳ бўйича; йиллик, чораклик ва ойлик — уларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш технологияси такомиллаштирилиши (ўзгартирилиши) ва янги техника жорий этилишига қараб қайта кўриб чиқиш;

корхона бўйича, шу жумладан қўп энергия сарфлайдиган усқуналар, цехлар ва истеъмолчилар гуруҳлари бўйича электр энергияси балансларини тузиш ҳамда улар асосида ишлаб чиқариш жараёнларида электр энергиясидан фойдаланиш самарадорлигини таҳлил қилиш, электр энергиясининг самарасиз сарфланиши ва исроф бўлишини аниқлаш, уларни қамайтириш ва бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

келгуси давр учун электр энергиясига бўлган эҳтиёжни ва электр тармоқларининг энергия ўтказиш қобилиятини ошириш, электр таъминоти схемаларини такомиллаштириш

Оилавий корхона турар жойдан бир вақтнинг ўзида унда истиқомат қилган ҳолда товарлар ишлаб чиқариш (ишлаб бажариш, хизматлар кўрсатиш) учун фойдаланган тақдирда, коммунал инфратузилма хизматлари (электр энергияси, сув таъминоти, канализация, газ таъминоти ва иссиқлик таъминоти) ҳақини тўлаш аҳоли учун белгиланган тарифлар бўйича ва шартлар асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 10 сентябрдаги 525-ф-сонли Фармойишига асосан:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Дин соҳасидаги маънавий-маърифий, таълим ишларини ва фаолиятни янада такомиллаштиришда ижтимоий кумак ва имтиёзлар бериш тўғрисида» 2003 йил 22 августдаги 364-сон қарорининг 3-бандини бажариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги диний ташкилотлар 2003 йилнинг 1 сентябридан бошлаб уларга кўрсатиладиган коммунал хизматлар (табiiй газ, ичимлик суви, иссиқлик энергияси, электр энергияси, телефон, оқова сув ва маиший чиқиндиларни ташиш)га тўловларни аҳоли учун белгиланган тарифлар бўйича тўлайдилар.

IV. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Истеъмолчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Истеъмолчининг электр қурилмаларини Корхона электр тармоқларига техник шартларга мувофиқ ўрнатилган тартибда улаш;

сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ ўрнатилган тартибда электр энергиясини олиш;

электр энергияси етказиб беришнинг тўхталиши ёки тўхтатиб қуйилиши сабаблари тўғрисида белгиланган тартибда ахборот олиш;

Корхонага истеъмол қиладиган энергия хажмларининг ўзгартирилиши тўғрисида белгиланган тартибда таклифлар киритиш. Бунда энергиянинг Шартномадаги хажмини ўзгартириш бўйича таклиф мўлжалланаётган ўзгартиришдан олдин 10 кундан кечикмай (жорий ой тугагунгача) берилиши ва сураётган қушимча миқдор учун 100% олдиндан тулов амалга оширилган бўлиши лозим;

электр энергияси тўлик ҳажмда етказиб берилмаслиги ёки сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ бўлмаган электр энергия етказиб берилиши оқибатида етказилган зарарни белгиланган тартибда қоплатиш;

Шартномани қонун ҳужжатларига мувофиқ бир томонлама тартибда бекор қилиш;

Шартнома бекор қилганда фойдаланилмаган энергия миқдори учун тўланган маблағни қайтарилишини талаб қилиш;

энергия етказиб берилиши тўхтатилганда етказилган зарарни қоплатиш талаб қилиш;

электр таъминоти Шартномасини тузишда ва бажаришда юзага келаётган низоларни ҳал этиш учун судга, монополияга қарши давлат органига ёки бўйсунуви бўйича юқори органга (мансабдор шахсга) мурожаат қилиш.

Истеъмолчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

4.2. Истеъмолчи қуйидагиларга мажбур:

белгиланган энергия истеъмоли режимига риоя этиш;

фойдаланилган энергия учун ўз вақтида ҳақ тўлаш;

эксплуатация қилаётган электр тармоқлари, приборлар, электр қурилмаларни зарур техник ҳолатини сақлаш, шунингдек, электр қурилмаларни эксплуатация қилишда ҳавфсизлик техникаси қоидаларига риоя қилинишини таъминлаш, Корхонага электр ускуналарининг носозлиги тўғрисида хабар бериш:

электр энергиясидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

3.13. Истеъмолчи ва Корхона ҳар ойда, ҳисоб-китоб даври тамом бўлгандан кейин беш кун мобайнида ўзаро ҳисоб-китобларнинг таккослаш далолатномасини тузади.

Агар “истеъмолчи” солиштирма далолатномасини имзолашдан бош тортса, Энергия таъминоти корхонаси қарзни ундириш учун шартномавий ҳажмдан келиб чиққан ҳолда Истеъмолчининг банкдаги ҳисоб рақамига тулов талабномаси куйиш йули билан, ҳамда бир томонлама расмийлаштирилган солиштирма далолатнома асосида “Бюро” томонидан мажбурий ундуровга қаратишга, шунингдек суд (судларга) ва давлат солиқ хизмати органларига тақдим этишга ҳақли.

3.14. Истеъмолчини куйидаги ҳолларда электр тармоқларидан узилади:

шартномавий мажбуриятлари бажарилмаганда;

ҳисоб-китоблар ўз вақтида амалга оширилмаганлиги оқибатида фойдаланилган энергия учун қарздорлик мавжуд бўлганда;

Бюро талабномалари бажарилмаганда, шу жумладан, унинг тегишли вакилларига ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини олишга йўл қўйилмаганда;

ҳисобга олиш приборларини қасддан бузганда, кўрсаткичларни ўзгартириш мақсадида уларнинг ишлашига ташқаридан аралашини хатти-харакатлар амалга оширилганда;

электр энергиясидан ўғирлик тарзда фойдаланилгани, электр тармоқларига ноқонуний улашини, талон-тарож қилишни ёки Электр энергиясидан фойдаланишни қондаларини бузишнинг бошқа ҳолатлари аниқланганда;

шартнома. электр таъминоти лойиҳаси ва техник шартлар мавжуд бўлмаганда;

электр таъминот лойиҳаси ва техник шартларга мос келмаганда.

3.15. Ҳисобга олинмаган энергия учун амалга оширилган қайта ҳисоб-китоб. Истеъмолчини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Электр энергиясидан фойдаланиш қондаларини бузганлик учун жавобгарликдан озод этмайди.

Бюро ва электр тармоқлари корхоналари томонидан истеъмолчининг ҳақиқатдаги қарздорликлари мавжуд ёки мавжуд эмаслигига аниқлик киритилган ҳолда электр тармоқларидан ажратилади

3.16. Истеъмолчи томонидан қоидабузарлик ҳолати бартараф этилиб, мавжуд қарздорлик ва тулов пайтидаги базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баравари миқдоридан тулов ундирилгандан сўнг тармоқга қайта уланади (ЭҲНАТга уланган истеъмолчилар бундан мустасно).

3.17. Истеъмолчи электр тармоқларининг техник ҳолатини таъминлаш бўйича эксплуатация харажатлари учун субистеъмолчилар, истеъмолчи билан субистеъмолчи ўртасида тузилган алоҳида шартнома бўйича электр энергиясининг умумий ҳажмидан олинмаган улушга мутаносиб равишда ҳақ тўлайди.

Эксплуатация харажатларини субистеъмолчига берилмаган электр энергияси тарифига қўшишга руҳсат этилмайди.

3.18. Истеъмолчи электр тармоқларининг техник ҳолатини таъминлаш бўйича эксплуатация харажатлари учун субистеъмолчилар, истеъмолчи билан субистеъмолчи ўртасида тузилган алоҳида шартнома бўйича электр энергиясининг умумий ҳажмидан олинмаган улушга мутаносиб равишда ҳақ тўлайди.

Эксплуатация харажатларини субистеъмолчига берилмаган электр энергияси тарифига қўшишга руҳсат этилмайди.

3.19. Истеъмолчи томонидан истеъмол қилинган энергияси учун тулов тарифлари куйидаги ҳолларда аҳоли учун белгиланган тарифларга тенглаштирилади;

Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 26 апрелдаги “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида” ги ЎРҚ 327-сон Қонунининг 28-моддасига асосан;

заруриятини аниқлаш мақсадида (маҳсулот ишлаб чиқаришнинг, бажариладиган иш гуралининг мулжалланаётган прогноз ҳажмларидан ва электр энергияси сарфи меъёрларидан келиб чиқиб, уларни камайтириш ва электр энергиясини тежашни ҳисобга олган ҳолда) электр энергиясининг бир йил ва келгуси давр учун балансларини тузиш;

маҳсулот (ишлар) бирлигига электр энергияси сарфининг тасдиқланган меъёрларига риоя қилиш ва уларни камайтириш бўйича белгиланган тадбирларнинг бажарилишини таъминлаш;

электр энергиясини тежаш бўйича (йиллик ва узок истикбол учун) ташкилий-техник тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

4.3. Корхона қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Истеъмолчидан Шартномада белгиланган уз мажбуриятларини кўрсатган даражасида бажаришини талаб этиш:

ушбу шартнома шартлари бажарилмаганда ёки бузилганда Истеъмолчи томонидан етказилган амалдаги зарарни белгиланган тартибда қоплатиш;

авария режимида, Бюрони хабардор қилиб Истеъмолчини электр тармоғидан узиб қўйиш;

электр хужалиги объектларида авариявий ҳолатларни олдини олиш ёки уларни бартараф этиш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чоралар қуриш зарур бўлганда истеъмолчини огоҳлантирмай ва у билан келишмай унга энергия етказиб беришни чеклаш;

Бюронинг кўрсатмасига асосан, ҳамда ЭХНАТга уланган ёки энергияга олдиндан ҳақ тўлаш қурилмасига эга ҳисобга олиш прибори бўлган истеъмолчини олдиндан тўланган ҳақ тўлаганда электр тармоқларидан узиш.

Корхона қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Мазкур Шартномага асосан Истеъмолчини электр тармоқларидан узилгандан кейин юзага келган ҳолат учун Корхона ва Бюро жавобгар бўлмайди.

4.4. Корхона қуйидагиларга мажбур:

Истеъмолчига энергияни электр тармоғи орқали электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик бўлиниш чегарасигача Шартномада кўрсатилган ҳажмда мунтазам етказиб бериш;

ускуналар, электр узатиш линияларини, ҳисобга олиш приборларидан фойдаланиш, уларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш, шунингдек, уз электр хужалиги объектларидаги носозликларни бартараф қилиш:

электр хужалиги объектларини таъмирлаш билан боғлиқ электр таъминотидаги қутилаётган узилишлар тўғрисида уч кундан кечикмасдан огоҳлантириш;

Истеъмолчини электр энергиясини етказиб берилиши тўхтатилиши ва тўхтатилиш сабаблари тўғрисида хабардор қилиш;

киритилаётган чеклашлар тўғрисида, чеклашларни ҳажми ва вақти кўрсатилган ҳолда олдиндан хабар бериш;

электр энергияси тўлиқ етказиб берилмаганлиги ёки электр таъминотидаги бошқа бузилишлар тўғрисидаги Истеъмолчининг аризасини, ариза олинган кундан бошлаб 15 кундан кечиктирмай қўриб чиқиш, бартараф этиш ва батафсил жавоб юбориш;

Истеъмолчига ўрнатилган тартибда етказиб берилган энергия ҳисобини юритиш;

Истеъмолчининг белгиланган тартибда киритилган таклифларига мувофиқ, ўн кун муддатда электр энергиянинг ойлик шартномавий ҳажмига ўзгартиришлар киритиш, электр энергиянинг ойлик шартномавий миқдорини кўпайтириш (камайтириш) мумкин бўлмаган тақдирда – истеъмолчига бу ҳақда, рад этиш сабабини кўрсатган ҳолда хабар қилиш;

Истеъмолчида ўрнатилган ҳисобга олиш приборларини алмаштириш, ўрнатиш ва техник хизмат кўрсатишни, шунингдек Бюро билан бирга пломбалашни таъминлаш; сифат кўрсаткичлари давлат стандартига мувофиқ бўлган электр энергиясини етказиб бериш.

Корхона қонунчилиққа мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Электр таъминоти шартномаси бўйича тарафлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда жавобгар бўлади шунингдек, шартнома шартлари бажарилмаган ёки тегишли тарзда бажарилмаган ҳолларда, Корхона бунинг натижасида етказилган зарарни қоплашга, "Истеъмолчи" эса етказилган ҳақиқий зарарни қоплашга мажбур.

5.2. Корхона Истеъмолчи олдида моддий жавобгар бўлмайди агар:

Истеъмолчи электр энергияси истеъмолчининг белгиланган режимига риоя қилмай, электр энергияси истеъмоли ёки қувватининг шартномавий миқдоридан ошиб кетишига йўл қўйганда, ҳудудий электр тармоқлари қорхонаси томонидан белгиланган электр энергияси чеклаш жадвали бажармагани тўғрисида паст сифатли электр энергияси етказиб берилганлиги учун;

захира манбаи автоматик ишга тушганда, автоматик қайта улаш ва автоматик тарзда частотани созлаш билан боғлиқ ўчиришлар вақтида электр энергиясини етказиб бериш борасидаги танаффуслар учун истеъмолчи олдида моддий жавобгар бўлмайди.

5.3. Корхона Истеъмолчини Бюро кўрсатмасига асосан электр энергиясидан узилганда ёки енгиб бўлмайдиган қуч ҳолатлари ҳамда фавқултда авария ҳолатлари юзага келганда (форс-мажор) Истеъмолчи олдида жавобгар бўлмайди.

Электр энергия таъминоти қорхонаси ўзи билан боғлиқ бўлмаган вазиятлар оқибатида мавжуд бўлган чеклашлар киритилганда, "электр қурilmаларини тузилиши қоидалари"нинг 1.2.18, 1.2.19 ва 1.2.20 бандларига асосан истеъмолчилар томонидан электр таъминоти ишончлилиги тоифаси (категория)га тўғри келмаган (лойиҳа талаблари бажарилмаганда) ҳолда истеъмолчиларда киритилган даъво ва талаблари бўйича келиб чиқадиган низолар бўйича истеъмолчи олдида жавобгар бўлмайди.

5.4. Мазкур шартномани бажариш жараёнида юзага келадиган барча келишмовчилик ва низолар музокара ўтказиш орқали ҳал қилинади. Келишмовчиликларни музокара ўтказиш орқали ҳал қилишнинг иложи бўлмаганда, улар қонунчилиқда белгиланган тартибда ҳал қилинади.

VI. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

6.1. Шартнома 2021 йил 31 декабр гача бўлган муддатга тузилади.

Шартномага киритилган ўзгаришлар жорий ойда қўлланилмайди ва кейинги ойдан қучга қиради.

Шартноманинг амал қилиш муддати тугаганда, томонлардан бири уни узайтириш ёки бекор қилиш бўйича ариза бермаган бўлса, шартнома кейинги ҳар бир йилга узайтирилган ҳисобланади (Бюджет ташкилотлари бундан мустасно). Ариза ушбу Шартноманинг амал қилиш муддати тугашидан бир ой олдин тақдим этилиши лозим.

6.2. Мазкур шартнома бир хил юридик қучга эга бўлган ва томонларнинг ҳар бирида сақланаётган икки (Бюджет ташкилотлари учун уч) нусхада тузилган. Шартноманинг иловалари унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

6.3. Томонларнинг бирини ташаббуси билан Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш, иккинчи томонни бекор қилиш муддатидан ўттиз кун олдин хабардор қилган ҳолда ва томонлар ўзаро ҳисоб-китоб қилиши шarti билан бекор қилиниши мумкин. Бекор қилиш тўғрисида хабарнома ёзма равишда юборилади.

6.4. Барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар фақат ёзма равишда амалга оширилиб, томонларнинг ваколатли шахслар томонидан имзоланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

6.5. Мазкур шартнома талабларида назарда тутилмаган тартиб – қоидалар Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январда 22 сон қарори билан тасдиқланган Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари ҳамда бошқа амалдаги норматив – ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқ тартибга солинади.

VII. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

ИСТЕЪМОЛЧИ:

Юридик манзили Мажбурият э-си Тўнгалык к-си

Хисобраками 100001860244137013300065001

Банк коди (МФО) 00014 (ИНН) 200328882

Республика ва маҳаллий бюджетдан молиялаштириладиган Истеъмолчилар учун:

Бюджет фондининг хисобраками 23402000300100001010

Банк коди (МФО) 00014 (ИНН) 200122919

Бюджетдан таъқари фондинг хисобраками _____

Банк коди (МФО) _____ (ИНН) _____

ККС тўловчининг коди _____

Телефонлар: 994717172 Факс: _____ e.mail: _____

(Истеъмолчининг, шу жумладан раҳбарининг ушли, факс телефонлари коди электрон манзил ёзилади)

Кадастр№ _____

Статистик кодлар:

ОКЭД 295750

СООГУ 05213

СОАТО 1724413

КФС 311

КОПФ 21000

ОКПО 16580775

КОРХОНА:

Почта манзили Янгийр шаҳар А.Тимур кўчаси 2 уй

Хисобраками 22636000400134817415

Банк коди (МФО) 00855 (ИНН) 200324414

ККС тўловчининг коди _____

Телефонлар: 67-350-24-26 Факс: _____

Статистик кодлар:

СООГУ _____

СОАТО _____



ХУКУҚШУНОС ХУЛОСАСИ

Мазкур элекстр энергиядан фойдаланиш шартномаси _____

Уз Республикасиён Вазирлар Маҳкамасининг 2018-йил 12-январдаги 22-сонлы қарори талабларига мувофиқ тузилган. Томонлар ўртасида мазкур шартномани тузиш учун Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик талаблари монийлик қилмайди. Шартнома иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонуни талабларига жавоб беради. Шартнома шартлари юзасидан келиб чиқиши мумкин бўлган жавобгарлик масаласи томонлар ўртасида қонуний келишилган. Шартнома юзасидан шартнома иштирокчилари ўртасидаги низоми ҳал қилиш тартиби белгиланган.

Хуқуқшунос _____
(имзоси)

Электр таъминотининг шартномасига
I - илова

Етказиб бериладиган энергия хажми

1. Тариф гурухи Т
2. Фаолият тури Дурушев
3. "Истеъмолчи" электр қурилмаларининг уланган қуввати: 3570 кВА (кВт)
4. Техник шарт буйича рұхсат берилган қувват 600 кВт
5. Электр таъминоти ишончлилиги буйича тоифаси (лойиха буйича) 100
6. Ҳисоб-китоб тури: _____

тариф тури: табақалаштирилган, бир ставкали еки аҳолига тенглаштирилган (кераклиси ёзилсин)

	Энергия хажми минг. кВт.с	Шу жумладан, тариф гурухлари буйича			
Йил, жами	<u>66660</u>				
Январ	<u>2222</u>				
Феврал	<u>2222</u>				
Март	<u>2222</u>				
Апрел	<u>2222</u>				
Май					
Июн					
Июл					
Август					
Сентябр					
Октябр					
Ноябр					
Декабр					

Ташкилот кунига ишлайди 8 соат, ойга 26 кун

Умумий юкга нисбатдан сменалар буйича юккланиш % I _____, II _____, III _____



Истеъмолчи

[Signature]

(Ибод, Ф.И.Ш. сана)

Корхона

М.У



Электр таъминотининг шартномасига
4 - илова

**Энергияни йўқолишларини аниқлаш буйича
ДАЛОЛАТНОМА**

Энергия ҳисобга олиш приборлари электр тармоқларининг баланс буйича мансублик чегарасида ўрнатилмаганда, электр тармоқларининг баланс буйича мансублиги чегараси ҳисобга олинган ҳолда мансублик чегарасидан ҳисобга олиш прибори ўрнатилган жойгача бўлган қисми ҳисоблаш йўли билан аниқланади ва қуйидагиларга ҳисобланади:

а) Қуввати 100 кВА бўлган трансформаторлардаги ойлик актив энергиянинг йўқолишлари 538 кВт.соат ёки _____%, реактив энергия йўқолишлари _____ кВАр.соат ёки 2197% ташкил этади;

б) Истеъмолчининг кабель линияларидаги ҳар ойлик энергияни йўқотиш:

Узунлиги 50,4 _____ м;
Кесим юзаси 105 _____ мм²;
Русуми АВ-105 _____;
Кучланиши _____ кВ булса, _____ кВт.соатни, ёки _____% ташкил этади;

в) Истеъмолчининг ҳаво линияларидаги ҳар ойлик энергия йўқолишлари:

Узунлиги _____ м;
Кесим юзаси _____ мм²;
Русуми _____;
Кучланиши _____ кВ булса, _____ кВт.соатни, ёки _____% ташкил этади.

Ушбу Шартноманинг 3.8 бандига асосан юқорида кўрсатилган энергия йўқолишлари истеъмолчининг ҳар ҳисоб-китоб даври учун, ҳисоб-китоб давридаги амалдаги энергия истеъмолидан ва 1-иловада кўрсатилган ойлик шартномавий энергия миқдорларидан келиб чиқиб аниқланади.

Корхонанинг электр тармоқлари ва уйларнинг ички электр тармоқларининг бўлиниш чегарасидан умумий мулк ҳисобланадиган ушбу тармоқлардан таъминланадиган маиший истеъмолчиларнинг электр энергиясини ҳисобга олиш асбобларигача бўлган электр тармоқларидаги электр энергияси йўқотишлари ҳисоб-китоб қилиш йўли билан аниқланади ва уй-жой мулкдорлари ширкатлари ёки коммунал-эксплуатация ташкилотлари истеъмолига қаратилади



Имзолар:



Томонлар электр тармоқларининг баланс мансублиги
ва эксплуатация қилиш бўйича масъуллик чегараси
ДАЛОЛАТНОМАСИ

Изоҳ: Хар-бир электр ҳисоблагич учун алоҳида 3- ва 4-иловалар тузилади

Ҳисоблагич № 003747 м/ток кучлатиши 04 коэффициент 30 уланган шавати кат
Ҳисоблагичдан ўрнатилган манзил: М.Обрецов ст. Ҳисоблагич
шўр. кўри. соғи. куча. 3/б

1. Тариф гуруҳи 2 Фаолият тури табиғий
Труба шўр. чик. Шлакоблок. Ғинит. Пленка шўр. чик. Акфа. цехи. Насос. Сағмо. Кафе. Охиона. Устахона ва...

1. "Истеъмолчи" нинг балансида қуйидаги электр қурилмалар мавжуд:

а) хаво линиялари 0,4 кВ 4/10
50 м

б) кабель линиялари _____

в) подстанциялар, трансформатор подстанциялари ТП № 477 100 кВА
99 К.О.Л.М.Ш.

2. Истеъмолчи ва Корхона уртасидаги электр тармоқларнинг баланс бўйича мансублик чегараси _____

3. Улардан қуйидагиларга:

а) Барча турдаги электр жихозлари ва ёритиш чирокларига _____
_____ хизмат кўрсатиш Истеъмолчи ходимлари томонидан,

б) Янгир ШЭТК хизмат кўрсатмайди _____

Истеъмолчи билан тузилган "Техник хизмат кўрсатиши" № _____ сана _____ й.
шартномаси асосида электр таъминоти корхонаси ходимлари томонидан хизмат
кўрсатилади. "Техник хизмат кўрсатиши шартномаси тузмаса _____
томонидан хизмат кўрсатилмайди"

4. Электр қурилмаларнинг ҳолати ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича жавобгарлик
чегараси қуйидагича белгиланди: 0,4 кВ 4/10
ишловда бўлган ва ҳар қандай ҳолатда
таъмир қилинади ва шўр. кўри.
шўр. кўри. соғи. куча. 3/б

Вакиллар:

Истеъмолчи _____ (имзо)
М.У.
Корхона _____ (имзо)
М.У.

YANGIYER SHAHAR ELEKTR KORXONASI (Ф.И.Ш.)
ELEKTR
KORXONASI (Ф.И.Ш.)

Электр таъминотининг шартномасига
2 - илова

Энергияни ҳисобга олиш приборлари ўрнатилган жойлар ва уларнинг тавенфлари

"Истеъмолчи"нинг (суб"Истеъмолчи"нинг r) ҳисобга олиш прибори ўрнатилган жойлар, тури ва кучланиш тоифаси (кВ) кўрсатилган ҳолда	Ҳисобга олиш прибори тури (актив, номинал токи)	Ҳисобга олиш прибори рақами	Ҳисобга олиш прибори клемма қопқоғидаги плембанинг рақами		Учмоқ трансформатор- ларининг трансформация коэффициенти		Ҳисобга олиш приборининг Шартинома тузилган қундаги кўрсаткичла ри ҳисоблагич кўрсаткичи	Тариф тури сум 1 кВт.с.
			Корхона- нинг	Биро- нинг	Ток	Кучла- ниш		
Маълум бўлмаган жойларда	TE7356-1-3	114210003747			150/51	94	30	00 00



Имзолар:



Компенсация қурилмаларининг ишлаш режими

1. Компенсация қурилмаларининг белгиланган қуввати

Т/р №	Компенсация қурилмаларининг турлари	Қуввати	Уланиш вақти		Жами
			Эрталаб	Кечкурун	
1.	Конденсаторлар, кВАр 1000 Вгача 1000 Вдан юқори, жумладан:				
1.1.	Автоматик бошқариладиган: 1000 Вгача 1000 Вдан юқори,				
1.2.	Қўлда бошқариладиган 1000 Вгача 1000 Вдан юқори,				
2.	Синхрон двигателлар - (СД), кВт				
3.	СДнинг реактив қуввати, кВар (СДнинг ўрнатилган қувватининг 30 фоизи, кВт)				
4.	Жами (1б.+3б.) кВАр: 1000 Вгача 1000 Вдан юқори.				

ИЗОҲ: авторежимда ишлайдиган конденсатор қурилмалари билан жиҳозланган таъкилотлар уланиш вақтларини тўлдирини шарт эмас.

2. Реактив энергиянинг иқтисодий миқдори

Иил, ой	Реактив энергиянинг иқтисодий миқдори (кВАр.соат)	Шу жумладан тариф гуруҳлари бўйича		
Январь	1250			
Февраль	1250			
Март	1250			
Апрель	1250			
Май	1250			
Июнь	1250			
Июль	1250			
Август	1250			
Сентябрь	1250			
Октябрь	1250			
Ноябрь	1250			
Декабрь	1250			

Реактив энергиянинг ҳар бир ҳисобот даври учун иқтисодий киймати, ушбу Шартномада кўрсатилган ва ўрнатилган тартибда аниқландиган қувват коэффициентининг оптимал миқдори ҳисобга олиниб, ушбу давр учун актив энергиянинг шартномадаги миқдоридан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Ҳисобот даврининг якуни бўйича реактив энергия иқтисодий кийматининг амалдаги миқдори истеъмол қилинган актив энергия ва қувват коэффициентининг шартномавий миқдоридан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Тарифга устама қўшилган киймат солиғи ҳисобга олинмаган ҳолда фаол энергиянинг амалдаги тарифи бўйича:

5% - реактив энергиядан иқтисодий киймат доирасида фойдаланилганда, бу амалда истеъмол қилинган актив энергия ва қувват коэффициентининг шартномавий миқдоридан келиб чиққан ҳолда аниқланади;

10% - реактив энергиядан иқтисодий киймат миқдоридан ортик фойдаланилганда, бу амалда истеъмол қилинган актив энергия ва қувват коэффициентининг шартномавий миқдоридан келиб чиққан ҳолда аниқланади;

Реактив энергия компенсацияси учун электр энергияси тарифига устамалар жарима санкцияси ҳисобланмайди ва электр таъминоти шартномасига асосан ундирилади.

Реактив энергия ўрни етарлича тўлдирилмаслиги ҳисобига қувват коэффициентининг норматив киймати Истеъмолчи томонидан қўллаб-қувватланмаслиги аниқланганда, ҳудудий электр тармоқлари корхонаси томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда актив электр энергия йўқолиши кийматининг техник-иқтисодий ҳисоб-китоблари амалга оширилади, шунингдек, қувват коэффициенти кўрсаткичлари белгиланган нормативларга нисбатан пасайтирилганлиги учун Истеъмолчилардан қўшимча маблағлар ундирилади.

Бунда ҳисоб-китоблар ва қўшимча маблағни ундириш ҳисоб-китоб даврида Шартномада кўрсатилганига нисбатан Истеъмолчи томонидан қувват коэффициентининг амалдаги кийматини пасайтиришга йўл қўйилганлиги тўғрисида "Ўзэнергоинспекция"нинг тасдиқлови бўлганда амалга оширилади.

Тариф чегирмалар истеъмолчи ягона электр тизими тармоғида электр тармоғининг катта юкломли соатларида реактив энергия ҳосил қилганда ва электр тармоғининг кичик юкломли соатларида энергия тизими тармоғидан реактив энергия истеъмол қилинганда, агар Истеъмолчининг бундай режимида ишлаш зарурати Шартномада кўрсатилган бўлса, тақдим этилади.

Чегирма бўлмаган киймат солиғи ҳисобга олинмаган ҳолда актив энергия учун амалдаги тарифнинг 15% миқдоридан белгиланади.



Электр таъминотининг шартномасига
7 - илова

Авариявий ва технологик бронни аниқлаш бўйича
ДАЛОЛАТНОМА

Истеъмолчининг _____

_____ иштирокида тузилди.

Ягона электр энергетикаси тизимида узок муддатли ёки қисқа муддатли қувват танқислиги юзага келганда Истеъмолчи куйидагиларни бажаришни керак:

1. Ускуна юкламасини технологик брон даражасигача пасайтириши:

Т/р №	Технологик бронига тааллуқли цехлар ва агрегатлар номи*	Ишда қолдирилган юкламалар қуввати (кВт)	Изоҳ
1.			
2.			
3.			
4.			

Жами: _____ кВт

*а) Барча цехлар ва агрегатлар зудлик билан ўчирилади. Ўчирилиши яроқсиз маҳсулот ишлаб чиқарилиши, ускунанинг бузилиши, портлаш, ёнғин, захарланиш ва бошқа вайрон ҳолатларга олиб келувчи цехлар ва агрегатлар бундан мустасно.

б) Технологик бронга шунингдек авария бронига тааллуқли цехлар ва агрегатлар ҳам қиради (2-бандга қаранг.)

Технологик бронни цехлаш босқичлари:

I босқич _____ кВт

II босқич _____ кВт

III босқич _____ кВт

IV босқич _____ кВт

2. _____ ўтгандан кейин цехлар ва агрегатлар авария бронни даражасигача узиб қуйилиши.

Т/р №	Авария бронига тааллуқли цехлар ва агрегатлар номи*	Ишда қолдирилган юкламалар қуввати (кВт)	Изоҳ
1.			
2.			
3.			
4.			

Жами: _____ кВт

* а) Ўчирилиши сув таъминоти, алоқа воситалари ишининг тўхташига, иситиш тизимининг музлаб қолишига олиб келувчи цехлар ва агрегатлар, ҳамда қуриқлаш ёриткичлари юкланиш остида қолдирилади.

б) Ёнғинга қарши захира масослар ва бошқа ёнғинга қарши агрегатлар авария бронига кирмайдиган ҳисобга аристалар заруратга қараб, олдиндан Корхона билан келишилган ҳолда руҳсиздан қиритилиши мумкин.



М.У.

(Имзо)

Имзолар:



М.У.

(Имзо)

Энергия таъминоти ташкилоти тармоқларига уланган истеъмолчиларнинг электр қурилмаларининг урнатилган қуввати тугрисида
МАЪЛУМОТ

А. Трансформаторлар

Трасформаторларни урнатиш жойи	Трансформаторнинг паспорт маълумотлари						Шартнома тузиш вақтида уртача юклама (кВт ёки А)
	Тури	Қуввати (кВА)	Кучланиши (кВ)	Ток (А)	Киска туташув исрофлари (кВт.с)	Салт юриш (кВт.с)	

Б. Бошқа ток қабул қилувчилар

Электр двигателлар		Электр пайвандлаш аппаратлари		Приборлар		Ишлаб чиқаришни ёритиш		Изох
Сони (дона)	Қуввати (кВт)	Сони (дона)	Қуввати (кВт)	Сони (дона)	Қуввати (кВт)	кВт	Шу жумладан энерготежамкор (кВт)	

В. Узга субабонент истеъмолчилар

Истеъмолчиларнинг номланиши, манзилгоҳи	Урнатилган қуввати (кВт, кВА)	Электр хисоблагичнинг завод рақами	Диспетчерлик номланиши	Тариф, сум/кВт.с учун	Изох



Имзолар:



М.У.